БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 10 октябрь Чоршанба

№ 193 (13.629).
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

8 октябрда, Москвада КПСС Марказий Комитетининг пленуми очилди. Унинг кун тартибига мамлакатдаги вазият ва иқтисодиётни бозор алоқаларига ўтказиш муносабати билан КПССнинг вазифаларига доир масала қўйилган.

Пленум ишида КПСС Марказий тафтиш комиссияси аъзолари иштирок этмоқдалар.

Пленум ишида қатнашиш учун ўлка, вилоят, округ партия комитетларининг биринчи котиблари, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи котиблари, олимлар, шунингдек партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига кирмаган КПССдан сайланган СССР халқ депутатлари таклиф этилгандирлар.

(СИТА).

4.000.000 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁР!

«Ҳосил—90»



Мана бу қиз ҳам пахтакор. Юрагида ўти борлардан. Исми ҳам ўзига мос: Зуҳра. У 5 гектар ерни ижарага олган эди. Режа ҳақида гапирадиган бўлсак, уни тўла-тўкис бажаришда унга ўхшаганларнинг меҳнати жуда қўл келди. Улар меҳнат қилаётган Ҳазорасп ноҳиясидаги Фрунзе номли жамоа хўжалиги пахта тайёрлаш йиллик режасини муддатидан илгари уддалади. Шу жумладан, Зуҳра елкасидаги вазифани бир ярим ҳисса ортиғи билан адо этди.

СУРАТДА: теримчи Зуҳра Ҳожиқурбонова.

Жумабой ҚОЗОҚ сурати.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БИЛИМГОҲИ КЕНГАШИ ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ БАРЧА СОБИҚ ТАЛАБАЛАРГА МУРОЖААТНОМАСИ

Қадрли собиқ талабалар! Сентябрь ойида олий ўқув юртимиз кенгашининг илмгоҳ ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди. Мажлисда Ўзбекистон ССР Президенти, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Ислом Абдуғаниевич Каримов катта нутқ сўзлади.

60 йил мобайнида илмгоҳимиз Ўрта Осиё давлат дорилфунунининг чоғроқ куллиётидан Ўрта Осиёдаги энг катта олий ўқув юртларининг бирига айланди. Бу ерда қишлоқ хўжалиги учун 40 мингдан ортиқ мутахассис тайёрланди. 1300 киши докторлик ва номзодлик диссертациясини ёқлади. Илмгоҳ 70 та хорижий мамлакатга 1115 мутахассис ва илмий ходим тайёрлаб берди.

Илмгоҳ собиқ талабаларининг асосий кўпчилиги колхоз ва совхозларда, хўжаликлараро бирлашмаларда, илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, партия ва совет идораларида меҳнат қилиб, Ўзбекистон ва бошқа жумҳуриятларнинг халқ хўжалигини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшмоқда. Кўпчилик собиқ талабалар ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, ёшларнинг мураббийлари, атоқли олимлар бўлдилар. Илмгоҳнинг собиқ талабаларидан 40 дан кўп киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлган. Анчагина киши маҳаллий Советлар, Ўзбекистон ССР ва СССР халқ депутатлари бўлди.

Азиз собиқ талабалар! Дастурхонимизнинг мўл-кўллиги кўп жиҳатдан сизларга, сизларнинг билимингизга, маҳоратингизга ва куч-ғайратингизга боғлиқ. Бутун мамлакатимиз сингари жумҳуриятимиз ҳам бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик кўраётган ҳозирги пайтда бу айниқса муҳимдир.

Жумҳуриятимизда инсон учун муносиб турмушни таъминлаш йўлида барча ишларни қилишимиз лозим. Бу борада сизлардан умидимиз катта ва сизларга ишонамиз, қадрли собиқ талабалар. Сизлар бу олижаноб ишга ўз ҳиссангизни қўшишингизга ишонамиз. Аҳолини озиқ-овқат, саноатни эса хом ашё билан таъминлаш кўп жиҳатдан сизларнинг билимдон мутахассис эканлигингизга, сизларнинг ҳалол меҳнатингизга боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш билан илм-фаннинг узвий боғлиқлигини таъминлаш, деҳқончилик ва чорвачиликда жадал технологияларни, хўжалик юритишнинг янги усулларини жорий этиш муҳимдир. Сизларнинг меҳнатингиз самарадорлиги яна кўп жиҳатдан меҳнат, шартнома, технология интизоми мустаҳкамланиши билан ҳам белгиланади.

Турли миллат меҳнаткашлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатликни ривожлантириш, қийинчиликларимизни рўкач қилиб, миллатлараро адоватни авж олдираётган экстремистларга, сафсатабозларга зарба бериш керак.

Қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнатни ташкил этишнинг янги шаклларини жорий этиш мутахассислар билимини фан ва илғор тажрибанинг энг янги ютуқлари билан мунтазам бойитиб боришни талаб этади. Илмгоҳ олимлари ана шу вазифани ҳал этишда сизларга зарур ёрдам беришга ҳамиша тайёрдирлар. Сизлар малакани ошириш куллиётида ўз билимингизни бойитишингиз мумкин. Куллиёт 18 ихтисос бўйича мутахассисларни қайта тайёрламоқда. Сизлар ҳам илмгоҳ ўқитувчилари ва талабалари билан ўз тажрибангизни ўртоқлашишингиз мумкинлигига умид қиламиз.

Олий ўқув юртимизга кириш учун истеъдодли қишлоқ ёшларини танлашда ҳам сизларнинг ёрдамингизга умид боғлаймиз.

Ҳозир етиштирилган мўл пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йиғиштириб олишнинг энг масъулиятли палласи бошланди. Биз бу йилнинг жумҳуриятда муваффақиятли тугалланишига ва сизлар бу ишга муносиб ҳисса қўшишингизга ишонамиз.

Қадрли собиқ талабалар! Илмгоҳ кенгаши тантанали мажлисининг қатнашчилари сизларга астойдил самимий табрик йўллайдилар ва сиҳат-саломатлик, олийжаноб меҳнатингизда катта муваффақиятлар тилайдилар. Тақдирга дахлдор ҳозирги даврда сизлар мана шу барча вазифаларни яхши англайсизлар ва улар ҳал этилишидан манфаатдор эканлигингизни намоён этасизлар, илмгоҳнинг кўпмингкишилик жамоаси эса, сизларнинг қадрдон олий ўқув юртингиз юксак самарали илм-фан ва малакали кадрлар тайёрлашнинг чинакам маркази бўлиб қолиши учун барча ишларни қилади, деб қатъий ишонч билдирамиз.

Миллатлараро муносабатларга эътибор

Пойтахтимизда Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри фирқа, шўро идоралари, оммавий ахборот воситалари, бошқа ташкилотлар ва муассасалар масъул ходимларининг миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш ва одамларни байналмилал руҳда тарбиялашни такомиллаштириш муаммоларига бағишланган кенгаши бўлди.

Ўзбекистон ССЖ Президентлик кенгашининг аъзоси Э. Ю. Юсупов, Ўзбекистон ССЖ Президентининг маслаҳатчиси Ш. С. Зиёмов маъруза қилдилар.

Маърузаларда ва нутқларда демократиялаштириш шароитида иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда рўй бераётган мураккаб жараёнлар миллатлараро муносабатлар жабҳасига ҳам сезиларли таъсир кўрсатаётганлиги таъкидланди. Бугунги кунда фуқароларнинг тотувлигига эришиш, жамиятдаги барча соғлом кучларни бирлаштириш, жипслаштириш, жумҳурият ҳудудида истиқомат қилаётган халқларнинг кўп асрлик дўстлигини мустаҳкамлаш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Кенгаш кўпгина камчиликлар ва хатоларнинг сабабларини янада чуқурроқ тушунишга кўмаклашди, унда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга доир амалий тадбирлар белгиланди. Кенгашда миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришнинг янги шакллари ва ёндашувлардан фойдаланиш ҳамда илмий социологик тадқиқотлар асосида рўй бераётган жараёнларни мунтазам ўрганиш, уларга ўз вақтида сезгирлик билан эътибор бериш зарурлиги хусусида ишчанлик билан амалий суҳбатлашиб олинди. Бунинг учун деб таъкидланди нутқларда, кўп миллатли жамоаларда, ўқув юртларида, маҳаллалар ва турар-жойларда миллатлараро тотувлик комиссияларини, кенгашларини тузиш керак бўлади.

Маданий-миллий марказларнинг, клубларнинг аҳамиятини ошириш, уларнинг фаолиятига кўмаклашиш, Ўзбекистон халқлари дўстлиги ғояларини, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат вакилларининг жумҳурият иқтисодиёти ва маданиятига қўшаётган ҳиссасини акс эттирувчи материалларни тарғибот қилишга доир сиёсий ҳамда ташкилий-тушунтириш ишларини авж олдириш керак.

«Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш масаласига, тил муаммоларига эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фуқароларнинг миллий жиҳатдан тенг ҳуқуқлилигига қасд қилаётган, миллатлараро нифоқни авж олдираётган миш-мишлар тарқатаётганларга нисбатан фаолиятни кучайтириш қаттиқ талаб этилаётганлиги уқтирилди.

Меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни байналмилал, ватанпарварлик руҳида, эстетик ва маънавий фазилатлар руҳида тарбиялашни янада такомиллаштириш уларда миллатлараро алоқа маданиятини шакллантиришга доир мулоҳазалар ҳам айтилди. Кенгаш қатнашчилари миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбияни такомиллаштириш юзасидан доимий ишловчи зонал кенгашни тузиш тўғрисидаги таклифни қабул қилдилар.

Жумҳуриятимизнинг бошқа минтақаларида ҳам ана шундай амалий кенгашларни ўтказиш режалаштирилди.

Биринчи саҳифага мактуб

Азоб бўлди

Қашқадарё вилояти, Чироқчи ноҳиясига қарашли «Қалқама» давлат хўжалигининг Қуруқсой, Говхона, Бузовут қишлоқлари аҳолисининг фиғони осмонга устун. Ҳар қалай қайта қуриш шамолими ёхуд «Қалқама» сув омбори қурилиши муносабати билан эски йўл бузиб ташланиб, кўпдан-кўп сурхо-сурлар, ёз-ҳа-ёзлар билан янгиси бошланди. Уни канал ва сув омбори қурувчилари бажаришлари керак. Йўл битди: 6 чақирим. Аммо, мана уч йилдирки, уни асфальтлаштириш пайсалга солинмоқда?

Иккинчи масала. Қишлоқларнинг ички йўллари хусусида. Говхона, Бузовут қишлоқларига борувчи йўлларни асфальтлаштиришни ҳам 1989 йил режасига киритишганди. Ишни Яккабоғ йўл қурилиш ташкилоти ўз зиммасига олганди. Ҳануз ўзгариш йўқ. Энди маълум бўлишича, қишлоқ йўллари тўлиқ асфальтлаб бўлинган деб рапорт бериб юборилган экан. Наҳотки, қўшиб ёзишлар, кўзбўямачиликлардан қутила олмасак?!

Жалол ЯХШИБОЕВ.

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

«ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ» ТАШВИҚОТ КАРВОНИ САФАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЙЛАБ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Мухбиримиз Қурбон ЭШМАТ сим орқали хабар қилади:

Жойлардаги бўлиб ўтаётган қизиқарли учрашувлар, жонли мулоқотлар айни долзарб кунларда заҳматкаш юрт аҳллари дилларига хушнудлик бахш этаётган бўлса ажаб эмас.

Бу галги карвон аъзолари ташрифи Хўжаобод ноҳиясидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги пахтакорларининг меҳнат шодлиги кунига тўғри келган эди. Давлатга 2608 тонна хом ашё етказиб берган хўжалик миришкорлари йиллик режани ошириб уддалашган эди.

Ноҳия деҳқонларига бундай меҳнат нашидаларини суришда комсомол-ёшлардан тузилган «Зарбдор—90» отряди яқиндан мададкор бўлишди. Отрядга бирлашган 70 нафар йигит-қиз бу йилги ҳосил йиғим-терими мавсумида қатнашиш сохта ватанпарварлик, зўрма-зўраки меҳнат эмас эканлигини англаб етганлар. Ҳар қандай фидокорлик остида ўзига яраша манфаат, қадр-қиммат масалалари борлигини яхши тушунишган. Бундай фикр-мулоҳазалар куни кеча жамоанинг 5-бригадаси аъзолари билан карвон иштирокчиларининг учрашувларида ҳам кўп такрорланди.

Бригадага Саҳобиддин Раҳимов етакчилик қилади. Далаларда ҳосил кўп. Фақат пахта кеч очилаётгани сабабли йиғим-терим муддати бироз орқага сурилаётир. Кечаги ёмғирдан сўнг, кунлик пахта тайёрлаш режаси 3—4 фоиздан 1—1,5 фоизга тушиб қолган.

Кунлик хирмоннинг юксалишида Холисхон Тўйчиева, Мукаррамхон Ҳасановаларнинг улуши катта бўлмоқда. Бригада бошлиғининг ўзи оила аъзолари билан 1 гектар майдонни ижарага олишган. Йиллик режа аллақачон бажарилган. Давлатга 2850 килограмм пахта сотилди. Учрашувлар сўнггида «Ўзбекистон» жамоа хўжалигини ғалаба билан қутлаб \ қўшни Шаҳрихондан атайлаб ташриф этган вилоят Ленин комсомоли мукофотига номзод Толибжон Зокиров раҳбарлигидаги «Дунё» дастаси дилрабо куй-қўшиқлар ижро этди.

Карвон иштирокчиларидан «Ёш ленинчи» рўзномаси ходимлари ўз обуначилари билан келгуси йил режа мақсадлари ҳақида кенг фикрлашдилар. Ўз муштарийларининг талаб истакларини ўргандилар.

Ташвиқот карвони Наманган вилояти томон сафарини давом эттиради.



Комсомолга ишонаман

Мен Ленинчи Коммунистик ёшлар иттифоқига, унинг келажагига қаттиқ ишонаман. Тўғри, ҳозирги шароитда менинг бу гапларим айримлар учун кулгили туюлиши мумкин.

Эътибор беринг, Октябрь инқилобидан сўнг орадан ўтган 73 йил мобайнида не-не кунларни бошимиздан кечирмадик. Шахсга сиғиниш, қатағон, турғунлик йилларида ёшлар иттифоқи ҳақиқий синовдан ўтди. Тўғри, ўша даврларда ҳам ташкилот аъзолари орасида даврга мослашувчилар бўлган. Айни пайтда ҳам, комсомол аъзоси бўла туриб, унинг шаънига тош отувчилар ҳам орамизда йўқ эмас. Бу даврга мослашишнинг, аниқроғи, оқимга мослашишнинг бир кўринишидир. Ошкоралик, демократия шарофати билан биз ўз сафларимизни тозалаб олмоғимиз зарур, деб ўйлайман.

Очиғини айтсам, БЛКЁИ аъзоси сифатида мен комсомолга сиғинаман. Гарчи, ташкилот баъзи бировлар таърифлаётганидек, ўз обрўсини йўқотган бўлса ҳам, унга ишонаман.

Унинг инқирозига ўзимиз сабабчимиз. Унинг камчилигини дўстона кўрсатиш ўрнига каттакичик йиғинларда от қўйиб танқид қилиш йўлини танладик. Қани эди, минбарларда туриб гулдурос овози билан комсомолни баралла танқид қилаётган ўртоқлар унинг қийин аҳволдан чиқиши учун лоақал биттагина таклиф киритса?

Ҳозирги аҳволдан чиқишда комсомол етакчиларининг ўрни каттадир. Менинг фикримча, уларда ташкилотчилик, жонкуярлик етишмаётир. Улар ёшларнинг сиёсий дунёқарашини мукаммал шакллантиришга етарли эътибор қаратмаяптилар. Оқибатда орамизда чўнтагига БЛКЁИ билетини солиб, комсомолларга қарши бўлиб юрганлар ҳам йўқ эмас. Бизга бефарқ 10 нафар эмас, иттифоқ тақдири учун курашадиган 3 нафар ҳақиқий, эътиқодли комсомол аъзоси қадрли.

Олимжон ЎСАР,
ТошДД журналистика куллиёти, 1-курс толиби.

Диққат: янгилик!

МАХСУС МАКТАБ

Хоразмда ҳукуматимизнинг иқтидорли ёшларни танлаб тарбиялаш ва улардан етук олимлар, турли соҳа йирик мутахассисларини тайёрлаш бўйича қарори ҳаётга дадил жорий этилмоқда. Урганч шаҳрида яна бир ихтисослашган ўрта ўқув даргоҳи ташкил этилиши бунга яққол далилдир. Жумҳуриятда биринчи марта ўзбек тили ва адабиёти чуқур ўргатиладиган махсус мактаб (ҳозирча уни баъзи бировлар мадраса, бошқалар лицей деб атамоқда) фаолият кўрсата бошлади.

Мазкур ўқув юртига ўқувчилар ва ўқитувчиларни махсус танлов йўли билан қабул қилинди. 5-10 синфларга шеър ёзишга қобилиятли, бадиий ижодга қизиққан, ўзбек тили ва адабиёти фанини аъло ўзлаштираётган ўқувчилар ёзма, оғзаки имтиҳон ва суҳбатдан ўтказилиб қабул қилинди. Ўқув даргоҳи директори Худоёр Абдуллаев бу янгиликнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўзлаб берди.

— Хоразм, — дейди у,—қадимдан буюк алломалар ал Хоразмий, Беруний, ажойиб шоирлар Ҳофиз ва Ҳайдар Хоразмий, Огаҳий, Аваз Ўтар, Нажмиддин Кубро ва бошқа санъаткор-у ижодкорлар ўтган ва яшаб ижод қилаётган юрт. Бу азим юртда кўплаб иқтидор эгалари ўсиб келмоқдалар. Уларни ёшликданоқ тарбиялаш, ва катта ҳаёт йўлига йўллаш ҳар бир зиёлининг шарафли виждон иши бўлмоғи керак.

Бу илм масканига 5-10 синфлар учун 240 нафар истеъдодли ёшларни қабул қилиш режалаштирилган. Ҳар бир синфдаги ўқувчилар сони 20 дан ошмайди. Улар ўзбек тили ва адабиёти, рус тили, чет тили фанларидан гуруҳларга бўлиниб ўқитиладилар. Ўқув юртимизда форс тили, эски ўзбек ёзувини ҳам ўргатиш режалаштирилган. Баъзи фанларни қисқартириш, баъзиларининг баҳридан воз кечишга тўғри келди. Акс ҳолда ўқувчилар зўриқтириб қўйилади. Чизмачилик, меҳнат, бошланғич ҳарбий таълим дарслари ўқитилмайди. Физика, математика фанлари соатлари қисқартирилади.

Ихтисослаштирилган мактаб учун ўзбек тили ва адабиёти фанларидан махсус дарслик — хрестоматия материаллари зарур. Хоразм давлат педагогика институти олимлари, воҳамизнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари, тажрибали ўқитувчилар бу материалларни тайёрлашга киришдилар. Ҳозир ўқув юрти педагогика жамоаси шаклланяпти. Муаллимлар танлаб олинди. Уларга умумтаълим мактаблари ўқитувчиларинникига нисбатан 20 фоиз юқори ҳақ тўланади. Тилшунос олимлар, адабиётшунослар, ёзувчиларнинг ҳам дарс ўтишлари кўзда тутилмоқда.

Бу ўқув даргоҳида ҳар бир ўқувчининг ўз қобилиятини намойиш этишга кенг имкониятлар яратиб берилган. Дарс машғулотларининг ўзига хос, янги шаклларидан кенг фойдаланиш, ижодий режалар асосида ишлаш, мунозара, муҳокама, конференция каби таълимий усуллардан кенг фойдаланиш — ҳар бир ўқитувчи олим, ижодкор олдига қўйиладиган энг биринчи ва асосий талабдир.

Ҳар бир янгилик жамоатчилик қўллаб-қувватласагина ҳаётдан ўз ўрнини топади. В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунунининг филология, журналистика, Низомий номли педагогик билимгоҳ, Самарқанд Давлат дорилфунуни билан ҳамкорлик қилиш ўқув даргоҳи раҳбарларининг мақсадидир. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими мактабни оталиққа олди.

Ўқув юртида таълим олишнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Агар ўқувчи баъзи сабабларга кўра ўзлаштира олмаса, дарс машғулотларини узлуксиз қолдирса ёки амалдаги қоидани бузса, лицейдан чиқарилади, ўз мактабига қайтарилади. Ўқувчилар ҳар йили синфдан синфга кўчиш имтиҳонларини топширадилар. Бу илм даргоҳини битказганлар олий ўқув юртлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ филология куллиётларига имтиҳонсиз қабул қилинадилар. Лицейни битказиш давридаги давлат имтиҳони олий ўқув юртига кириш имтиҳони саналади.

Ҳозирги кунда ихтисослашган мактабга Урганч шаҳри ва унинг атрофидаги мактаблар ўқувчиларигина қабул қилинмоқда. Чунки узоқдан қатновчилар учун ётоқхона йўқ. Келаси йили мактаб учун комплекс бинолар қурилиши бошлаб юборилади.

Султонбой ОТАЖОНОВ.

Шу кунларда Нукус шаҳрида Оролни сақлаб қолишга бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтмоқда. Куни кеча бир музофотга алоқадор, деб ўйланган экологик ҳалокат чегараси нақадар улканлигини ниҳоят англаб етдик. Она денгизимиз ҳақида бугун бутун дунё олимлари бош қотирмаса келажакда курраи замин бошига Орол қисмати тушиши ҳеч гапмас.

Мухбиримиз шулар тўғрисида фикр юритади.

НОУМИД ШАЙТОН...

...Ажаб халқмиз. «Винт»ларимиз салгина буралса, йиллаб миқ этмай яшайверамиз. Қўйиб беришса борми, дунёни батангга келтиришдан қайтмаймиз. Эҳтиросларимиз доим ёнимизда. Бировлар буни мўмин мусулмонликка, яна бировлар қадим жангари боболаримиз руҳи ҳамон тириклигига йўйишади...

Бир нимани кўз билан кўриб, гувоҳ бўлмай туриб шовқин солиш ҳам инсофдан эмас. Эсимда, рўзномамиз байрами ўтаётган кунларда Хива ноҳиясидаги Дзержинский жамоа хўжалигидаги учрашувда денгиз тақдири ҳақида савол тушди. Ўшанда томошагоҳга қарши савол билан мурожаат қилишимизга тўғри келди: «Орангизда Орол денгизини бориб кўрганлар борми?»

Беш юз кишилик залда иккитагина қўл кўринди, холос...

Айбдормизми? Балки — ҳа, балки — йўқ! Негаки, ҳаётимиз манбаи бўлган она денгиз бирорта саёҳат йўналишларига кирмаган. Ўрта мактабда токи Москов қадар саёҳатга чиққанимиз бор, лекин шундоқ ёнимиздаги денгизга қадам босмаганмиз.

Узоқлардан қайтган дам олувчилар одатда қайси ўлкада бўлгани, қай денгизда чўмилганини тоза мақташади. Бирор одамнинг шу пайтгача «Фалон йили Орол бўйида дам олдик, маза қилиб чўмилдик» деганига гувоҳ бўлмаганман. Нега? Чунки, олдимиздан оққан сув қадрсиз, ёнимиздаги қадамжолар қатағон эди. Ўн, ўн беш, йигирма йиллар муқаддам Орол денгизининг мовий сувлари кўм-кўк табиат қўйнида мавж уриб турган пайтларда денгиз бўйида бирорта йирик дам олиш оромгоҳи, наинки Иттифоқ, балки жумҳурият аҳамиятидаги курорт минтақаси барпо этилмаган. Нимага? Бу — лоқайдлик. Бу — нонкўрлик. Денгизга ўгай кўз билан қараганимиз, унинг ўркач-ўркач тўлқинларини «миллион эгатлар»га сочиб юборганимиз, «булутлардан-да юксак хирмон»лар кўзимизни қамаштиргани, «юқори»га мутелик билан тикилган нигоҳлар сўқирлиги... Оқибат — мана. Эътиборсизлик улкан ҳалокат билан якунланмоқда. Кеча биз лоқайд боққан денгиз бугун бизни тарк этмоқда. Муқаддас Қуръон ҳикмати — ал қасосул минал ҳақ, дегани шумикан?...

...Ўтган йили Оролни муҳофаза қилиш қўмитасининг кўчма ҳайъати йиғилишида ҳамкасбимиз Суҳбат Абдулла залга қарата: «Мажлисбозликлар етар, денгиз тақдирини энди биз ҳал қила олмаймиз. Дунё халқларига мурожаат қилиш, жар солиш вақти аллақачон етди» деб куйинганида унинг оғзига урганлар бўлди.

Ўшанда денгизни «муҳофаза қилиш» қўмитасининг йиғилиши борарди. Энди Оролни «сақлаб қолиш» илинжида йиғилганларнинг улкан анжумани иш бошлади. Орадан бир йил ўтгани йўқ, «муҳофаза», «сақлаб қолиш»га айланди. Яна бир йилдан сўнг «денгизни қайта тирилтириш» учун йиғилмасак гўргайди... Балки аллақачон шу ҳолат рўй бериб бўлгандир?

Ашёвий далиллар ўжар бўлади. Икки йилки, Оролга бир томчи сув етиб боргани йўқ. Ўтган йили ёз мавсумида — сув энг тўлиб-тошиб оқадиган паллада Нукус шаҳрига дарё кўпригидан ўтдик. Амударё — Жайҳун — «телба дарё»нинг асовлиги шу ерда поёнига етганди, у ёғида бир пақир ҳам сув йўқ. Бу йил вазият ундан баттарроқ кечди.

Академик Яншин «Оролни сақлаб қолишнинг йўли — пахта экишни кескин қисқартириш, камҳосил майдонларни ўтлоқларга айлантириш» деб неча марта айтган. Бугун яна такрорламоқда. Аммо, ҳақ сўзлари минбарда қолмоқда, нари борса, матбуот саҳифаларида кўриниб, «жон бермоқда».

Билатуриб, кўратуриб нега ўз, оёғимизга болта ураяпмиз? Нега бир миллион, агар зарур бўлса, икки миллион тонна «оқ олтин»дан воз кечолмаймиз? Наҳотки, миллион тонна пахта — денгиз вужудга келтирган ҳалокат минтақасида аста-секин ўлимга маҳкум бўлган уч миллион инсондан азиз бўлса?! Барча ноз-неъматлар, пахтамиз халқ бахт-саодати учун дея чиройли сўзлар эдик-ку!

Билмадик. Биз мазкур минтақада яшаётган, шўр ялаб, шўр ичаётган, танасида саноқдан адашиш мумкин хасталиклар азоб бераётган миллион халқнинг биримиз. Дардимиз — бир, ноламиз — якдил.

Симпозиумда жаҳоннинг юз ўттиз давлатидан келган олимлар, мутахассислар иштирок этишмоқда. Негаки, Оролнинг қуриган ҳавзасидан кўтарилаётган туз эпкинини бугун амирқолик ҳам ҳис этмоқда. Бугун Оролбўйини «Иккинчи Чернобиль» деб аташмоқда. Ҳақ гап, аччиқ гап.

Рақамларга қаранг:

«...Аҳвол шу бўлса, кейинги йилда ҳар гектар майдонда қарийб беш тоннача туз йиғилиши кутилади».

«...Денгиз қайта тикланмаса, яқин ўн беш йилдан кейин Оролбўйидан тўрт миллион аҳолини кўчириш масаласи ўртага чиқади».

«...Ҳозир денгизнинг суви 67 фоизга, умумий майдони қирқ фоизга қисқарди. Қуриган ҳавзада 2,7 миллион гектар тузлик пайдо бўлди». «...Ақбеткай архепалагидан кўтарилиб учган тузлик тупроқ бир миллиард тоннага яқинроқ. Мисол: 1986 йил 18 июлида бўлган кучли шамолда Нукус ҳудудидаги ҳар гектар майдонга саккиз тоннагача тузли чанг ўтирган».

«...Оғир касалликлар кўпаймоқда. Ҳатто, юз йиллар олдин тугаб кетди деб ҳисоблаб келинган мохов касаллиги пайдо бўлиш ҳоллари кузатилмоқда»...

Давом этайликми? Етар. Рақамлар бир-биридан даҳшатли. Бир гектарга саккиз тонна тузли чанг ўтирса, ҳар тирик жонга қанчадан етди экан? Тузли чанг, деб айтинг-қўйинг. Ахир, бу чанг ўнлаб йиллаб далаларга сепилган заҳарли кимёвий моддаларнинг оқаваларига тоза тўйган денгиз тубидан учмоқда. Бечора халқ.

Ўн йил илгари «Фалончининг буйрагидан тош олишибди» деган хабарни эшитганда эти жимирлаб, сесканган кишилар бугун жажжи чақалоқ буйрагига тиғ ураётган жарроҳ каби осойишта. Ўрганишган, кўникишган. Қўлидан нимаям келарди? «Юртга келган тўй-да!»

Оролни сақлаб қолишнинг ягона йўли Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга буриш, дейиш бугун хомхаёл. Аввало, ҳар бир жумҳурият ўз табиий бойликларига эга чиққан, бозор иқтисодиёти кун тартибига қўйилган даврда ўзга жумҳуриятдан бутун бир дарёни олишнинг ўзи бўлмайди. Ҳар граммига фалон пул қўйиб сотишмайди, дейсизми? Аввало, катта харажатлар эвазига бошланган қурилиш тўхтатиб қўйилганини биламиз. Амалдаги йилдан бошлаб негадир «Сибирь варианти» яна кун тартибида пайдо бўлиб қолди. Хўш, бу нима? Вақтдан ютишми? Халқни чалғитиб туришми? Агар шундай хаёл қилинган бўлса, эртага нафақат подшоҳ, эшак, балки унинг эгаси ҳам ўлади...

Сиз амирқонларнинг сув келтириб денгизни тўлдиришига ёки ёпонларнинг булут ҳайдаб ёмғир ёғдиришига ишонасизми? Булар — чўпчак. Денгиз бир-икки давлат «ташиб келтирадиган» сувга тўладиган палладан аллақачон ўтган. Ёлғонларга ишониб яшамаслик керак.

Ягона йўли — Амударё ҳавзасидаги барча мавжуд сув манбаини денгизга оқизиш. Ҳатто «Озорний» заҳкаши сувлари ва бутунбошли Сариқамишда тўпланган сувни ҳам. Вақтинча чора сифатида дарё сувини икки-уч йил муддатда тўлалигича денгизга қуйдириш — уни ҳеч бўлмаганда ҳозирги сатҳида сақлаб қолиш имконини берарди. Пахтадан — бир-икки миллионлик пахтадан воз кечиш ҳисобига. Барибир пахта сотиб, пулига ўзга жумҳуриятдан сув олиш масаласи ўртага чиқаяптику...

...Булар шунчаки фикрларим. Ҳамюртларимнинг фикрлари. Халқаро йиғин иштирокчилари қандай хулосага келишади, уларнинг кўрсатмалари, қарорлари қачон кучга киради — худо билади.

Навбатдаги улкан йиғинда кўнглимга шу гаплар келди. Бунақа йиғинларнинг нечанчисини кўраяпман? Олдингиларининг бирор кўзга кўринган натижаси бўлдими? Йиғилишлар, оҳ-воҳлар, дод-войлар, қарорлар, кўрсатмалар, йўл-йўриқлар... Денгиз эса кун сайин ҳам энига, ҳам бўйига қисқармоқда. Ҳар галги мажлисларда рақамлар йириклашмоқда, фожиалар сони ортмоқда...

Энди нима бўлади?
Шоир айтмоқчи,

Ноумид шайтон, деб такрорлаб оят,

Ёлғиз умид билан яшаш жиноят.


Шоир алдамаса — аллақачон «шайтон васвасига учиб», бир эмас, икки эмас, тўрт миллион «жиноятkор»га айланган оломон тақдирини ҳал қилиш учун узоқ-яқиндан ҳакимлар йиғилишди.

Сўнгги имкон — уларга ҳам қулоқ солайлик-чи!

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Тандир тўлиб ёпилди нон...





Жамоатчи мухбиримиз пойтахт ноҳияларидан бирида бўлиб, қувончли хушхабар олиб келди: «Иссиқ нон» дўкони очилди! Хурсанд бўлдик. Тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари учун яна бир қулайлик яратилибди, деб. Беихтиёр афсонага айланиб кетган «Тошкент — нон шаҳри» ибораси эсга тушди.

Юқорида эслатганимиз — янги «Иссиқ нон» дўкони Тошкентдаги 2-дон маҳсулотлари комбинати қошида ташкил этилди. Янги шохобчани ун билан комбинат таъминлайди. Қўлигул новвойлар ҳам иссиқ нонларни бевосита шу ернинг ўзида ёпишади ва харидорларга таклиф этишади. Дўкон жамоаси биргина бу билан кифояланмайди. Бу ердаги қаҳвахонада хўрандалар бир дам ҳордиқ чиқариб, ул-булдан тановвул қилишлари мумкин. Сут ва шу сингари бошқа хушбўй ичимликлар муҳайё этилган.

Комбинат аҳлининг бундай ҳимматидан теварак-атрофда истиқомат қилувчи аҳоли мамнун бўлаётир.







СУРАТЛАРДА: янги «Иссиқ нон» дўкони ва унинг ҳаёти билан боғлиқ лавҳалар.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган суратлар.

Хорижддан хабарлар

БИРГАЛИКДА ПАРВОЗ ҚИЛАДИЛАР

БЕРЛИН. (СИТА мухбири Игорь Осинский). 1992 йилнинг март ойида ГФЖ ва совет фазогирлари биринчи марта биргаликда парвоз қиладилар. ГФЖ илмий тадқиқотлар ва технология вазири Хайнц Ризенхубер шу ҳақда хабар қилди. У халқаро астронавтика федерациясининг Дрезденда очилган 41-конгрессида сўзга чиқди.

38 яшар синовчи-учувчи майор Клаус—Дитрих Фладе билан 34 яшар физик Райнхольд Эвальд — «Мир» совет космик станциясида саккиз кун давомида ишлайдиган қўшма экипаждаги бир ўрин учун икки номзоддир. Космик станцияда энг аввало биотехнология соҳасида 15 та илмий тажриба ўтказилади. Парвоз тижорат асосида уюштирилади — ГФЖ 38 миллион марка пул ўтказади.

Х. Ризенхубер режалаштирилган парвоз дастлабки қадам бўлишини таъкидлади. Космик тадқиқотларнинг барча соҳаларида жадал ҳамкорлик қилиш тўғрисида совет томони билан аҳдлашиб олинди. Бу ишга собиқ Германия Демократик Жумҳуриятидаги илмий тадқиқот муассасалари мутахассислари ҳам жалб этилади. Германияда 1.799 киши фазогир бўлиш истагини билдирди, уларнинг тўртдан бир қисми аёллардир.

1992 йилда ГФЖнинг икки фуқароси яна бир космик парвозда — Американинг «Шаттл» кемаси парвозида қатнашади. Бу парвозга тўрт номзод тайёргарлик кўрмоқда, уларнинг орасида 35 яшар метеоролог Ренате Брюммер ҳам бор.

Тайвань пойтахти Тайбейда мамлакат бош вазири Хау Бэйцзуннинг ҳукумат бошлиғи вазифасини эгаллаганлигига қарши норозилик кундан-кун кучаяпти. Шаҳар кўчаларида полиция ва тинч намойишчилар ўртасида тўқнашувлар бўлиб турибди. Собиқ мудофаа вазири ҳукумат ишларига ҳарбийларнинг аралашувига кенг йўл очиб бермоқда. Намойишчилар эса мамлакатда ҳарбий тўнтариш бўлмаслигига кафолат йўқлигидан ҳавотирланмоқдалар.

СУРАТДА: ҳарбийларнинг давлат ишларига фаол аралашувига норозилик билдириб очлик эълон қилган толиблар.

СИТА суратхроникаси.



ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ВАШИНГТОН. Қўшма Штатлар яқин 4-8 ҳафта ичида Ироққа қарши уруш бошлаши мумкин. Америкада чиқадиган «Ю. С. Ньюс энд Уорлд рипорт» ойномаси ана шундай тахмин қилмоқда. Дипломатлар Форс кўрфазидаги танғликни бартараф этишнинг тинч йўлларини излашни давом эттираётган бир пайтда, деб таъкидлайди ойнома, Қўшма Штатлар Саддам Ҳусайн билан аввалроқ тўқнашиш йўлига ўтмоқда, деган миш-мишлар кучайиб бормоқда. «Буш маъмуриятининг Ироқ Қувайтни йўқ қилиб ташламоқда», уруш қанчалик чўзилса, бу мамлакат шунча кам қолади, деган гаплари бундай тахмин қилиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, деб ёзади ойнома вакиллар палатаси қуролли кучлар ишлари қўмитасининг раиси Лес Эспиннинг гапларига асосланиб, «маъмурият келгуси йилнинг бошларида Ироқ биологик қурол ишлаб чиқариши мумкин, деб ташвишланмоқда».

● ТОКИО. Корея жумҳурияти билан Совет Иттифоқи ўртасидаги товар обороти ҳажми шу йилнинг январь-июль ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 71,4 фоиз кўпайди. Ренхап ахборот агентлиги шу ҳақда хабар қилди. Шу йилнинг етти ойи давомида икки томонлама товар обороти ҳажми 415,6 миллион долларга етди. СССР билан Корея жумҳурияти ўртасида яқинда дипломатия алоқаларининг ўрнатилганлиги савдо-сотиқнинг ривожланишига омил бахш этди. Савдо ҳажми, деб ёзади агентлик, 1990 йилда 1,2 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Жанубий Кореядаги энг йирик саноат бирлашмаларидан бири «Лаки-голдстар»нинг Москвада корейс савдо марказини қуриш режаси икки томонлама савдо-сотиқ тез ўсаётганлигининг натижасидир. Айтмоқчи, Москвада ҳозирнинг ўзидаёқ Жанубий Кореядаги бир қанча корпорацияларнинг филиаллари очилди.

● ВАРШАВА. Турли сиёсий ва жамоат ҳаракатлар вакилларининг Краковдаги Ягеллон дорилфунунида бўлиб ўтган учрашувида Тадеуш Мазовецкийнинг Умумпольша сайлов қўмитаси тузилди. Польша Вазирлар Кенгашининг раиси Т. Мазовецкий мамлакат президенти лавозимига ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлигини айтгандан сўнг ушбу қўмита тузилди.

Марказчи кучлар иттифоқи президент лавозимига «Бирдамлик» касаба уюшмаси раиси Лех Валенса номзодини қўллаб-қувватловчи даъватни эълон қилди.

Бундан ташқари реал сиёсат иттифоқининг раиси Янош Корвин-Микке ва христиан демократик меҳнат фирқаси бош бошқаруви раиси Владислав Сила-Новицкий Польша президенти лавозимига ўз номзодларини кўрсатдилар.

«Демоско» жамоатчилик фикрини сўраб билиш хусусий агентлиги ўтказган савол-жавоб натижаларига кўра катта ёшдаги аҳолининг 34,8 фоизи Лех Валенса Польша жумҳуриятнинг президенти бўлиши керак, деб ҳисоблайди; 29,8 фоизи бу лавозимни Тадеуш Мазовецкий эгаллашини афзал кўради.

● ЛОНДОН. Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти ва Бош вазири Шайх Рашид бин Саид ал Маҳдум вафот этди. Рейтер ахборот агентлиги амирлик телевидениесининг якшанба куни эшиттирган хабарига таяниб ушбу маълумотни тарқатди. Рейтер агентлиги Шайхнинг вафотига тааллуқли ҳеч қандай тафсилотларни келтирмайди. Рашид бин Саид ал Маҳдум душанба куни дафн этилди.

(ТАСС).

ТОКИОДА УЧРАШУВ

ТОКИО. (СИТА мухбири Владимир Кучко). Совет — Япония муносабатларини барча жабҳаларда янги сифат даражасига кўтариш мақсадида биргаликдаги куч-ғайратларни фаоллаштириш керак, дейишди икки мамлакат мутахассисларининг Токиода бўлиб ўтган учрашуви қатнашчилари. Унда СССР халқ депутатлари ва Япония парламенти аъзолари, савдо-саноат доираларининг вакиллари, иқтисодчилар, олимлар қатнашдилар.

«Кейинги икки йил ичида Совет Иттифоқи олиб бораётган қайта қуриш сиёсати натижасида жаҳонда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Халқаро иқлимнинг, энг аввало мулоқот ва ҳамкорлик даврига кирган Совет—Америка муносабатларидаги иқлимнинг анча илиши Осиё—Тинч океан минтақасидаги аҳволга ҳам ижобий таъсир кўрсата бошлади, — деди ҳукмрон либерал-демократик партиядан парламент депутати И. Мори. — Афсуски, баъзи силжишларга қарамай, Япон—Совет муносабатларининг ривожи ҳали ҳам дунёда рўй бераётган жараёнлардан орқада қолмоқда. Бундай аҳволнинг сабабларидан бири, икки мамлакат ўртасида «ҳудудий муаммо» мавжудлигидадир. Япониянинг сиёсий арбоби икки томонлама мулоқотни кенгайтиришга, Япония ва СССР халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни чуқурлаштиришга чақирди».

«Халқаро майдонда совет янгича фикрлаш сиёсати таъсирида юзага келаётган янги шарт-шароитлар турли соҳаларда Совет—Япон муносабатлари шитоб билан ривожланиши учун қулай истиқболлар яратади. Агар ҳозир сийқаси чиқиб иш бермаётган одатдаги андозалар доирасидан чиқилса, мамлакатларимиз ҳамкорлик қилиши учун имкониятлар ҳақиқатан ҳам жуда улкандир», — деб таъкидлади СССР халқ депутати, КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Қўмитасининг котиби Г. И. Янаев.

СССР Президентининг ёрдамчиси Н. Я. Петраковнинг нутқи СССР халқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказишни назарда тутаётган ислоҳотнинг асосий йўналишларига бағишланди. Мамлакатимизда ҳозир иқтисодий вазият мураккаблигига қарамай, тушкунликка тушиш учун асос йўқ, деди у. Ўз иқтисодий системасини тубдан ўзгартираётган Совет Иттифоқи халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этишга интилмоқда. Яқин вақт ичида СССР Президентининг хорижий корхоналарга кенг иқтисодий фаолияти учун катта шароит яратадиган фармони эълон қилинади. Бу ўзаро манфаатли фаолият бўлади. Бизга ёрдам эмас, балки хорижий фирмалар билан тенг шерикчилик керак.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

КОЛУМБ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

● ХРИСТОФОР Колумбнинг «Ниньа», «Пинта» ва «Санта-Мария» кемалари тарихий йўналиш бўйича ҳаракат қилишга тахт қилиб қўйилди. Тўғри, ҳозирги бу кемалар Христофор Колумбнинг айнан ўша кемалари эмас, фақат уларнинг аниқ нусхаси холос. Лекин испаниялик мутахассислар кемаларни 5 миллион долларлик замонавий асбоб-ускуналар, шунингдек, радиотўлқинли қурилмалар билан ҳам жиҳозлашди.

Кемалар 1992 йилнинг 3 августида Испания қирғоқларини тарк этади ва Колумб йўналиши бўйича 10 ҳафта сузиб Санта-Домингогача боради.

Американинг «Тайм» ойномасида ёзишларича, бу тадбир 1992 йилда нишонланадиган Америка қитъаси очилганлигининг 500 йиллик тўйига бағишланади.

ОҒЗАКИ БУЙРУҚНИ БАЖАРАДИ

● ЯПОНИЯНИНГ «Мацуста дэнки» концерни муҳандислари янги видеомагнитафон ишлаб чиқдилар. Унинг афзаллиги шундаки, бир ҳафта давомида ойнаи жаҳон орқали берилган энг яхши кўрсатувларни хўжайиннинг оғзаки буйруғи бўйича ёзиб олади.

Аммо видеомагнитафон фақат япон тилида ифодаланган буйруқларнигина бажаради.

ГУРУҲ ҚАМАБ ҚЎЙИЛДИ

● АРГЕНТИНАНИНГ федерал полицияси болалар савдоси билан шуғулланиб келган йирик жиноятчилар гуруҳини Росарио шаҳрида қамоққа олди. Улар «Гран Росарио» деб аталган шаҳар марказий касалхонасининг табиблари бўлиб чиқди.

Улар эрсиз она бўлганларни, камбағал оналаларни ўз болаларидан тонишга мажбур этганлар. Кўпинча касалхонада фарзанд кўрганларга (наркоздан сўнг она ҳушига келгач) бошқа ўлик болани кўрсатишган ва «бечора» оналарга «чуқур ҳамдардлик» билдиришган. Уларнинг болаларини эса Европа ва АҚШлик бойваччаларга пуллашган.

За нашу Советскую Родину!
ФРУНЗЕВЕЦ
ЕЖЕДНЕВНАЯ ГАЗЕТА КРАСНОЗНАМЕННОГО ТУРКЕСТАНСКОГО ВОЕННОГО ОКРУГА

Қизил байроқли Туркистон ҳарбий мавзесининг нашри бўлмиш «Фрунзевец» рўзномаси «Ёш ленинчи» билан анчадан бери ҳамкорлик қилиб келаяпти. Рўзномамиз саҳифаларида эълон қилинган қизиқарли мақолалар, суҳбатлар «Фрунзевец»да бир неча марта чоп этилган. Бугун биз мазкур саҳифани ҳарбий мавземиз кўзгуси бўлган нашр билан ҳамкорликда тайёрладик.

МЕҲР-ШАФҚАТ ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Афғонистон ҳудуди яқинида жойлашган қишлоқлар аҳолиси ўзларининг жон қўшнилари бўлмиш Кушка ҳарбий касалхонаси ходимларининг беминнат хизматларидан доимо мамнун. Негаки, ҳарбий врачлар кўп марта уларнинг жонларига оро киришган. Бир куни ярим тунда телефон жиринглаб қолди. Навбатчи врач, тиббий хизмат майори С. Горелов трубкани олди. Ташвишли овоз:

— Қоровулхона эшиги ёнида афғонлар. Ҳомиладор аёлни олиб келишибди. «Қийналяпти, тезда ёрдам кўрсатмаса бўлмайди».

— Яхши, ҳозир етиб борамиз...

Машаққатли йўллар. У томони давлат чегараси. Ярим кеча бўлгани билан барибир «санитарка»ни топиш унчалик қийин кечмади.

...Бечора аёл ниҳоятда азоб чекаётганди. Атрофида куймаланаётган эркаклар нима қилишларини билмай асабийлашишарди. Йўловчи машиналар ҳадеганда келавермасди ҳам. Шу пайт олисдан бир машинанинг хира чироғи кўринди. Йўл ўртасига югуриб чиққан одамларни кўрган шофёрга Горелов «тўхтат» деди. Сергей Витальевич аёлнинг аҳволини кўрди-ю, машинага олиб чиқишларини буюрди. Агар сал бепарволик қилинса, фожиа рўй бериши аниқ эди. Горелов афғонларни тинчлантирди. Чегарачилар имкони борича аёлнинг ҳаётини сақлаб қолишга ҳаракат қилишларини айтди. Сўнгра машина йўлга чиқди. Ярим тун бўлса-да, госпиталнинг туғруқхона бўлими врачи Ольга Эдуардовна Сфирса уйидан чақирилиб келиниб, бўлғуси онани кутиб турарди.

Кўп ўтмай тунги сукунатни митти чақалоқнинг «инга-инга»си бузиб юборди. Афғон аёли Рабинет Тоҳированинг қувончи ичига сиғмасди. Чақалоқ қизча эди.

Кушка ҳарбий госпитали шифокорлари афғон оиласини янги фарзанд билан қутладилар.

Рабинет туғруқхонадан чиққан куни байрам бўлиб кетди. Афғон деҳқонлари шўро врачлари — С. Горелов, О. Сфирсаларга ўзларининг самимий миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Госпитал бошлиғи, тиббиёт хизмати подполковниги В. Кляхиннинг сўзларига қараганда, бундай тасодифлар биринчи марта эмас.

— Ўтган йил баҳорда ҳам чегара яқинидаги қишлоқлардан бирида яшовчи деҳқонлардан иккитаси оғир ярадор бўлиб бизга мурожаат қилиб келишди, — деб ҳикоя қилади В. Кляхин. — Қишлоқ аҳлига босқинчи тўдалар ҳеч тинчлик бермасди. Ўша куни ҳам улар тўсатдан ҳужум қилиб қолишди. Деҳқонлар кучлар тенг бўлмасада чидаб туролмадилар. Оғир ярадорларга зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатиш зарур эди. Лекин яқин жойда шифокорларни топиш амри маҳол. Охири улар чегарачилар орқали бизга мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Деҳқонларга ўз вақтида ёрдам берилганлиги туфайли уларнинг ҳаёти сақлаб қолинди...

Меҳр-шафқат ҳеч қачон чегара билмайди. 1981 йилнинг июнидан бери фаолият кўрсатаётган жанубий чегарамиздаги ҳарбий госпитал врачлари ўз бурчларини астойдил адо этишяпти. Улар биргина ҳарбий хизматчиларнинг эмас, балки сарҳадлари туташ бўлмиш, дил ришталари узвий боғланиб кетган қўшни Афғонистоннинг чегара яқинидаги қишлоқлари аҳолиси саломатлиги учун ҳам қайғурмоқдалар.

А. БОГАЕВСКИЙ,
капитан.

Умар ЖЎРИПОВ номидаги мактаб

Агар муштарийларнинг эсида бўлса, рўзномамизнинг шу йил 28 март сонида «Бунчалар аччиқсан, ҳаёт!» деб номланган мақола босилган эди. Унда ўн йил давом этган ғолиб ва мағлублари номаълум бўлган шафқатсиз афғон урушидан яримжон бўлиб қайтиб келган ҳамда ана шу мудҳиш талотум жароҳатлари туфайли ҳаётдан эрта кўз юмган Умар Жўриповнинг аччиқ қисмати ҳақида ҳикоя қилинган. Мақола эълон қилингач, «Ёш ленинчи»га юзлаб мактублар келди. Шунингдек, Умар рўзнома қошидаги ёш мухбирлар дорилфунунининг энг фаол тингловчиларидан бири эди. Унинг ушалмаган орзулари кўп эди...

Яқинда Бахмалдан қувончли хабар олдик. Шу ноҳиядаги «Бахмал» давлат хўжалигига қарашли Жиллибулоқ қишлоғидаги Умар Жўрипов таҳсил олган Али Тўқумбоев номидаги ўрта мактаб унинг номига қўйилибди. Яна бир савоб ишга қўл урилганидан суюндик...

ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ

Ислоҳ ўтказиш зарур

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Рўзноманинг 15 сентябрь сонида эълон қилинган Туркистон ҳарбий мавзеси ҳарбий кенгашининг қисмларни ўзбошимчалик билан ташлаб кетган ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг ота-оналарига мурожаатномасини ўқиб сизларга мактуб йўллаяпман. Хўш, кейинги икки-уч йил ичида ўзбек йигитларининг ўз хизмат жойларини ташлаб кетиш ҳоллари нега бунчалик кўпайиб кетди? Нима учун одамларда армияга нисбатан норозилик кайфиятлари кучаймоқда?

Мен ҳозир ҳарбий хизматдаман. Аскарлик нонининг қанчалик аччиқ-чучуклигини тотиб кўраяпман.

Мен Шўро Армияси сафида хизмат қилишни ҳар бир вояга етган йигитнинг шарафли бурчи деб биламан. Лекин юқорида айтганим, 73 йиллик эски тартиб-қонунлар ҳамон ҳукмронлик қилаётган, «оқсоқоллик» деган бедаво «касаллик» йўқолиш ўрнига тобора илдиз отаётган, миллатлараро низолар кун сайин кучайиб бораётган армияда эмас, балки ишончли, шаклланган, тартиб интизомли, ҳар бир ота-она ўз фарзандини умид билан кузатиб, эсон-омон қучоқ очиб кутиб олгувчи армияда хизмат қилганга не етсин...

Мурожаатномани ўқиб тўғриси, на кулишни биласиз, на йиғлашни. Бундан 10—15 йил муқаддам «армиядан фалончи қочибди» деган гапни эшитган одамлар ҳайратдан ёқа ушлашарди. Чунки у вақтлар армиядан қочиш, қисмларни ташлаб кетиш катта иснод бўлган. Бунинг устига биз бугун у даврларни «турғунлик йиллари» дея кулишни биламиз. Нега ўша пайтлар армиямизга нисбатан халқимизда бугунгидек кайфият бўлмаган? Ўзбекистон ССЖ Президенти Фармонига биноан кузги чақириқда энди Ўзбекистондан қурилиш отрядларига аскарлар олинмаслигини эшитиб бошим осмонга етди. Қанийди бундай фойдали Фармонлар олдинроқ қабул қилинганида балки бугунги кунда ўнлаб йигитларимиз «темир тобут»ларда қайтмаган бўлардилар...

Салом билан:
оддий аскар Бахтиёр. Р.
«Н» қисм.



Дардимизни ким тинглайди?

Мен Улуғ Ватан уруши йилларида ўзининг энг қирчиллама йигитлик паллаларини шу эл, она-юрт учун фидо этганларнинг бириман. Шукрки, даҳшатли урушдан тирик қайтдим. Ҳаётимдан ҳеч қачон нолимайман. Каму-кўстим йўқ. Лекин...

Нурали деган набирам бор. Ўтган йилнинг кузида ҳарбийга омонлик тилаб кузатдик. Хизматига бир йил бўлай деб қолди. Хабаровск ўлкасида йигитлик бурчини ўтаяпти. Хатлар келиб туради. Аммо кейинги мактублари бизни жуда ташвишлантириб қўйди. Бир хатида шундай деб ёзибди: «Июнь ойидан бери кўзимни парда қоплаб келаяпти. Кўр бўлиб қолмасам деб қўрқаман. Командирларга айтсам, парво қилишмайди. Мени олиб кетинглар, агар кўзим кўрмайдиган бўлиб қолса, ҳеч кимга керак эмасман-ку? Ишонинглар, соғлигим яхши бўлса икки йил эмас, тўрт йил бўлса ҳам хизмат қилардим. Тағин хавотир олманглар, мени ҳеч ким ураётгани ҳам, сўкаётгани ҳам йўқ. Фақат кўзларим тузалса бўлгани...».

Биласизларми, шундан бери оиламизда тинчлик йўқ. Ахир қайси бир ота-она ўз жигарбандининг шундай кўйга тушганини эшитиб, тинчгина юра олади дейсиз? Отаси оддийгина колхозчи, тил билмаса. Балки мен аралашсам бирон фойдам тегар деган умидда ноҳия ҳарбий комисссариатига икки марта, вилоят ҳарбий комиссарлиги (ўртоқ Молчанов)га уч марта мурожаат қилдим. Хизмат қилаётган ҳарбий қисмига ҳам зудлик билан хат жўнатдим. Ҳеч қандай жавоб йўқ. Биров «ҳолинг не» деб сўрамаса. Нурали бўлса «энди хат ҳам ёзолмайман» деб ҳеч нарса ёзмай қўйди. Бориб келиш учун яқин жой бўлса экан. Бу ёғи қўлимиз калта. Бор умидимиз энди сизлардан. Ёрдам беринглар.

Ҳозирги армия бизнинг замондаги армиядан кескин фарқ қилади. Ҳамма томондан мукаммал ва ривожланган. Бироқ кейинги йилларда билишимча, шунча вақтдан бери яшириб келаётган «сир»лар очилиб қолди. Ўзбекистонлик аскарларнинг ҳуда-беҳудага нобуд бўлаётгани, ўз қисмларини ташлаб келишаётгани ҳақида кўп эшитаяпман. «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилар» деган нақлимиз бор. Қачонгача армия билан халқ ўртасидаги омонат бўлиб турган кўприкни «мустаҳкам ва бузилмас» деб мақтанамиз. Ҳақиқатдан асло кўз юммайлик. Менинг набирам ҳам ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради. Лекин у ёқдагилар саломатлигига бепарво бўлишса, бизларда тинчлик бўладими?

Саид ПАРДАЕВ,

Улуғ Ватан уруши ветерани.
Қашқадарё вилояти, Қамаши ноҳияси, Чим қишлоғи.

МАШАҚҚАТЛИ СИНОВЛАР

(СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ)

Самарқанд автомобиль командирлари тайёрлаш олий ҳарбий билим юрти курсантлари учун ҳозир айни қизғин палла. Талабаларнинг олган назарий ва амалий билимлари синовдан ўтказиляпти. Ўқув фанлари бўйича имтиҳонлар ҳар йили шундай ҳаяжонли кечади. Лекин автомобиль бошқаришни синаб кўриш улар учун энг масъулиятлиси. Курсантлар учун ниҳоятда қизиқарли бўлган бу синовларнинг ўзига яраша ташвишлари ҳам бор. Шундай бўлса-да, ҳамма бу кунни орзиқиб кутади. Чунки йил бўйи олган сабоқларингни амалда қойиллатиб уддаласанг, қандай яхши. Ҳамманинг кўзи сенда, синчиклаб кузатишади. Сал хато қилсанг, дарров пайқашади. Бундай пайтда ҳар қандай одам ҳам ҳаяжонга тушади-да. Ўнлаб километрли масофалар, қаршингда кутилмаган бурилишлар, хавфли кўприклар, ўнқир-чўнқир бузуқ йўлларда машина бошқаришнинг ўзи бўлмайди. Белгиланмаган масофада тўхташ мумкинмас. Буйруқ қатъий, риоя қилмасанг баҳойинг...

Сержант Сергей Широков ўзи бошқариб бораётган машинанинг назорат қилиб турувчи асбобларига ҳар-ҳар замонда нигоҳ ташлаб қўяди.

Сергей ҳамкурслари орасида анча тиришқоқ. Фирқа аъзолигига номзод, БЛКЁИ қўмитасининг курсантлар батальони аъзоси. У ҳеч қачон «сен рус, сен ўзбек, сен тожик» деб ўтирмайди «Муҳими, бир-биримизга ишонсак, шунинг ўзи бас» дейди у доим.

Тасодиф исталган пайтда рўй бериши мумкин.

Текис йўллар аста-секин тугаб борарди. У ёғи тоққа қараб кўтарилиш. Сергей тезликни секин пасайтириб, машинани ўз маромига тушира бошлади. Автомобиль бошқарувини назорат қилувчи прапоршчик Жамол Султонов бош силкийди:

— Баландликка кўтарилиш яхши.

Олайлик, Илья Манукян деган арман йигит бор. Кавказликларга хос қизиққон. Ҳамма билан чиқишиб кетаверади, талашиб-тортишади. Иложи борича ўзининг фикрини устун қўйишга интилиш унда кучли. Шу куни Сергей билан яна тортишиб қолди. Жиддий мазмунда эмас, самимий, дўстона вазиятда: кимки трассада машинани энг яхши бошқарса шу «биринчи» бўлади. «Биринчи» дегани иккиси ўртасидаги ўзаро баҳснинг ечими.

Шул боис бўлса керак, Сергей синов олдидан ўзини бунга тайёрлади. Илья билан бўлган баҳси анча дадил ва ҳушёр ҳаракат қилишга ундади. Жамол бўлса икки дўстнинг «гаров» бойлашганидан бехабар. Курсантнинг машинани ҳар қандай тажрибали зобитдан кўра ҳам моҳирона бошқараётганига ҳайратланарди.

Ниҳоят мураккаб синовлар тугади. Курсантлар навбатдаги «довон»дан муваффақиятли ўтганликлари учун бир-бирларини қучиб табрикладилар. Шу жумладан учинчи курс толиби С. Широков ҳам Ильяни маҳкам қучоқлаб ўпди...

СУРАТЛАРДА: Сержант Сергей Широков ва прапоршчик Жамол Султонов(ўнгдан чапга) синов пайтида. Бўлғуси зобитлар учун машаққатли довонлар ҳали олдинда.

В. БОГАЕВ суратлари.
(ЎзТАГ).



Прапоршчик Авдеевнинг «сирли» муолажалари

Оддий аскар М. Пирметов хона ўртасида энгашганча алланималарни шивирларди. Прапоршчик Ҳамза Авдеев эса уни диққат билан кузатаётганди. Ҳозир қандайдир мўъжиза рўй берадигандек туюларди. Дарвоқе, ҳақиқатан, ҳам кутилмаган ҳол рўй берди. Кўп ўтмай ҳалиги аскар боланинг гаплари ўзгариб қолса бўладими. У қуйидаги гапни салмоқлаб қайта-қайта такрорлади: «Че-киш жуда хавф-ли! Мен че-кишни таш-лайман ва ҳеч қа-чон оғ-зимга ол-май-ман!»

Ишонгиси келмайди кишининг. Кўз ўнгингда мўъжиза рўй бериб турса-да, барибир шубҳага борасан. Авдеевда цирк артистлари қўллайдиган махсус воситалар йўқ эди ҳисоб. Хуллас, даволаш муолажаси тугади. Пирметов руҳий сеҳрлов ҳолатидан «озод қилинди».

Иккисининг танишуви анча илгари, Мэлс эндигина аскарлик нонини тотиб кўра бошлаган пайтда бошланганди. Авдеев сафга тизилган аскарлар ёнидан ўтаркан, негадир шу йигитча унинг кўзларига ғалати кўрина бошлади. Прапоршчикнинг қизиқ одати бор эди. Ким бўлишидан қатъий назар, эътиборини тортдими, бас «тинч қўймасди».

— Шифокорлар буйрагим шамоллаганини айтишувди, — дейди Мэлс. — Бунинг устига ошқозоним ҳам ҳар замонда хуруж қилиб қоларди. Қаттиқроқ овқат есам, ухламасдим. Ҳамза Мирзаевич менга мунтазам руҳий сеанслар бера бошлагач, ўзимни анча енгил ҳис қила бошладим. Ҳозир ҳеч қийналмаяпман. Ўзимни жуда тетик сезаяпман. Ҳамзанинг Мэлсга ўхшаган «мижоз»лари қисмда кўпчилик. Масалан, фуқароликда ўзини анча эркин ҳис қилиб юрган болаларда қизиқ одат бўлади. Қандай қилиб бўлса-да, ўз тенгдошларидан устун бўлиш «касали» уларга тинчлик бермайди. Ҳатто кези келса бир-бирларини аяб ўтиришмайди ҳам, жиққамушт бўлиб тўполон қилишади. Катталарга қулоқ осмайди. Бундайлар аввал бошда қисмда анча эди. Ҳозир эса йўқ. Балки бировлар ўйлар, Авдеев «кўзини қўрқитса керак-да», деб. Асло, у бундай «хўроз»лар билан 3—5 мартагача обдон дардлашиб олади. Урмайди, сўкмайди, руҳий таъсир кўрсатади. Олайлик, оддий Александр Б. ни.

— Ишонасизми, уйдагилар, айниқса, онам мендан жуда ташвишланарди. Қўпол эдим, яхши гап қулоғимга кирмасди. Авдеевнинг муолажаси жуда катта таъсир кўрсатди. Бутунлай бошқача одамга айланиб қолдим. Бу ҳақда онамга ҳам ёзиб юбордим...

Мен бошқа аскарлар билан ҳам учрашиб, суҳбатлашдим. Т. Юсупов деган аскар йигит армиядан саломатлиги ёмонлиги сабабли уйига қайтариб юборилиши аниқ эди. Ҳатто тиббий комиссияга унинг ҳужжатлари тайёрланганди ҳам. Унга Авдеев ҳақида ўртоқлари гапириб беришганди. Бир неча марта ўтказилган мулоҗадан сўнг у ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетди. Ҳалиям ўтган кунларини эсласа эзилиб кетади. «Ўзимни жуда ноқулай сезардим. Ҳамма «касал бола» деб устимдан кулаётганга ўхшарди. Оғир ва масъулиятли ишларга сира қўйишмасди. Ишонч бўлмаганидан кейин нима қилишсин? Ҳозир эса бемалол ҳар қандай вазифаларни топширишаверади».

Мен тилга олган шу Юсупов Авдеев аскарлар клубида ўтказаётган ҳар бир гипнозли «концерт»дан қолмайди. Тунов куни Йўлдошев дегани Алла Пугачёва, Михаил Боярскийларга тақлид қилиб шундай қойиллатиб қўшиқлар ижро этди-ки...

Балки мен келтирган жонли мисоллар прапоршчик Авдеевнинг нималарга қодирлигини ҳам, неларга ожизлигини ҳам ошкор қилар. Биз ҳадеб унинг сеансларига берилиб кетибмизу, шахси ҳақида унутибмиз-ку. У ўз йигитлик бурчини ўтагач, ярим йилча Курск АЭСида ишлади, сўнгра ўша ерда ички қўшинларда хизмат қилди. Тақдир-да, бир куни онасининг тўсатдан тоби қочиб қолди. Шундан сўнг ўзи туғилган, ўсган юртга қайтди. Авдеев аста-секин одамлар назарига туша бошлади. Айниқса жамоат ишларида жуда фаоллик кўрсатарди. У билан «дард»лашган ҳар қандай аскар ҳам ўзини жуда эркин сезади. Ҳеч қандай сирни яширмайди. Бир куни қизиқ бўлди. Жиноий ишга қўл урган аскарлардан бирининг «иши»да тилмочликка чақиришди. Ҳалиги аскар йигит ҳарбий терговчилардан ниманидир яшираётганлиги унга шундоқ сезилиб турарди. Прокуратура ходимидан айбланувчи ҳузурига рухсат сўради. Бир неча соатлик очиқ суҳбатдан сўнг ўзи ҳам ҳайрон қолди. Аскар унга бўлиб ўтган воқеани бир бошдан қўшиб чатмай, ёлғонсиз айтиб берди. Терговчилар ҳам ҳайрон. Ҳақиқат ойдин бўлди. Ўз хатоларини ҳеч тан олгилари келмасди. Ҳар қандай (у ҳақиқий жиноятчи бўлса ҳам) одам билан юрак очиб гаплашиш санъатини билиш кераклигини прапоршчик исботлади...

Матбуотда руҳий терапия, гипноз ҳақида роса ёзишди. Авдеев иккиланарди. У ҳали ҳам ўзидан «шубҳаланарди». «Бор бўлса-я, ростданам?!» Охири ўзини кўрсатишга қарор қилди. Лекин катталардан ийманди. «Жинни-пинни бўлмаганми, бу ўзи» дейдиганлар ҳам топилди. Йўқ, кутилмаган тасодиф унга ёрдам берди. Тўсатдан бошқа қисмга ўтказиб қолишса бўладими? Ўзиям тартибсизликнинг «уяси» деяверинг у ерни. Лекин Авдеев ўзини бирдан қўлга олди. Командирларга тўполончи аскарлар билан сеанслар ўтказиш кераклиги ҳақида таклиф қилди. Улар аввалига иккиланишди. Ҳарбий мавзедаги психиатр врачга кўриниш кераклигини маслаҳат беришди. Бир неча кун ўтгач, ҳарбий сиёсий ходимлар олдида махсус дафтарчага ёзилган сўзларни кўрсатди: «Сеҳрлаш қобилиятига эга. Врачлар назорати остида беморларга руҳий таъсир этиш сеанслари ўтказишга рухсат берилади. Тиббий маълумот олишига имконият яратилади». (Имзо. Собиқ Ўрта Осиё ҳарбий мавзеси ҳузуридаги тиббиёт хизмати бош психиатри, подполковник В. Брюхов).

— Прапоршчик Авдеевга қобилиятни табиат ато этган. Айтишади-ку, «худо берган» деб. Унга имкон бериш керак, — деб эслайди. Валерий Брюхов мен билан суҳбатлашаркан. — Ҳали кўп фойда беради у. — Энг муҳими, ишонч. Унга ишонган одам дарддан тез қутилади...

Биласизми, ҳозир дунёга донги кетган А. Кашпировский ва А. Чумакларнинг телесеанслари ҳали кўрсатилмасдан бурунoқ Авдеев ўз муолажаларини синашга киришган эди. У машҳурликка интилмади. Унинг ҳақида шов-шувли мақолалар ҳам босилмади. Асосийси, яхши одамлар кўмагида ҳарбий мавзе касалхонасида тиббий муолажалар ўтказишга рухсат беришди...

В. РАҲМОНҚУЛОВ,
подполковник.

ТИРИКЛАР ҚАРЗИ

Айтишларича, йиллар кўнгил жароҳатларига малҳам бўлармиш. Аммо бу жароҳат бир кишининг-мас, бутун бир халқнинг юрагини тилка-пора қилган бўлса-чи? Улуғ Ватан уруши...

Э, мен 17 ёшимда аскарлик шинелини кийганман. Танк механик-ҳайдовчилиги касбини эгаллагач, Бобруйск, Слуцк, Баранович шаҳарларини озод қилишда қатнашганман. Хотирамда бир умр муҳрланиб қолган воқеалар жуда кўп. Қай бирини айтсам экан?...

Қадрдон 143-рақамли «ўттиз тўртим» билан босиб ўтган машаққатли фронт йўллари ҳамон тушларимга киради. Тунлари алаҳсираб уйғониб кетаман. Бомбалар портлайди...

Бир куни (ишонмайсиз, жигарларим) Слоним ноҳиясига қарашли Раховичи қишлоғи яқинида бўлган шиддатли жангда танким фашистлар нишонига тушиб қолса бўладими. Танкнинг занжирли оёқлари ҳар томонга сочилиб кетди. Бундай вазиятда тирик қолиш даргумон. Полкимиздагилар бизни «ўлди»га чиқариб, ҳатто уйимизга «қора хат» ёзишга ҳам улгуришибди. Лекин шукрки, кунимиз битмаган экан. Максим Рекун деган белорус партизани оиласи экипажим билан топиб олиб, яшириб қўйди. Сал ўзимга келгач, яна фронтга кетдим. Шундан кейин ҳам уч марта оғир яраланиб, танк билан ёниб кетдим. Худо, деган эканманми, Берлингача бордим. Рейхстаг деворларига исмимни ўйиб ёзганман...



Белорус замини, Слоним тупроги энди мен учун жуда қадрли. Шу шаҳарнинг фахрий фуқаросиман. Инқилоб музейининг фахрий кенгаш аъзоси этиб ёзиб қўйишибди, шоввозлар. Бунинг устига Слоним шаҳридаги икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал П. И. Батов номидаги ва яна учта ўрта мактаб ўқувчилари, муаллимлари мени ҳурматлаб, кашшофлик ва комсомол сафларига қабул қилишган. Ўзбекистон билан Принеман ўлкаси орасидаги масофа минглаб чақирим бўлса-да, барибир слонимликлар мени эслаб туришади.

Ғалабанинг 45 йиллик байрамини у ерда — дўст-ёронлар даврасида кутиб олдим. Барибир ҳар қанча суйинганинг билан кўнглинг ярим бўлар экан. Боиси, бундай ёруғ кунларга етиб келолмаган дўстларим хотираси ҳаққи-ҳурмати ҳар йили Ғалаба кунида тўйиб-тўйиб йиғлайман. Халқим кўксини ярадор қилиб кетган бу шафқатсиз урушни қарғайман. На илож...

Уруш ҳақида ҳеч қачон илиқ сўз айтилмайди. Белоруссияга неча марта бориб келган бўлсам, шунча бағрим куйиб қайтади. Чунки бу заминда минг-минглаб ўзбекистонлик ҳамюртларим мангуга қолиб кетди. Маълумидан кўра номаълумлари кўп. Албатта, кейинги йилларда урушда ҳалок бўлган, бедарак кетганларни излаб топиш учун талай савоб ишлар қилиняпти. Айниқса, белоруссиялик қардошларимизнинг бу борада амалга ошираётган хайрли ишлари кишини қувонтиради. Бу ерда Слоним шаҳрини озод қилишда қатнашган барча зобиту-аскарлар ҳамда Белоруссия жумҳуриятининг бой тарихи жамланган халқ музейи ишлаб турибди. 300 квадрат метр жойни эгаллаган бу музейдан жумҳуриятнинг ташкил топган кунидан то бугунги кунигача бўлган тарихи ўрин олган. Уни зиёрат қилувчиларнинг сони беҳисоб. Бутун мамлакатимизни айланиб чиқиб, ҳали бу музейга тенглашадиган бой ва ажойиб даргоҳни кўрганим йўқ. Қанийди, бизнинг жумҳуриятимизда ҳам шундай халқ музейи ташкил этилса.

Тарихни ҳеч қачон тузатиб ҳам, ўзгартириб ҳам бўлмайди. Шундай экан, ҳар бир авлод ўз ота-боболари бошлаб берган қутлуғ йўлдан боради, савоб ишларини давом эттиради. Бу кўҳна тарих шоҳиди бўлган воқеалар, қирғинлар, ёруғ кунлар ҳеч қачон халқ хотирасидан ўчмайди. У кунлар илоё энди қайтиб келмасин...

В. НАУМОВ,
собиқ иккинчи гвардиячи танкчилар армияси ветерани.

«Ёш ленинчи» мухлиси:



Муҳаммад
ЮСУФ

Мабодо йилнинг энг оммавий қўшиғи учун конкурс ўтказилса, назаримизда истеъдодли хонанда Охунжон МАДАЛИЕВ ижро этаётган, сўзлари шоир Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб «Туркман қиз» қўшиғи совринли ўринлардан бирига албатта даъвогарлик қилган бўларди. Рўзномамизнинг кўплаб санъатсевар мухлислари биздан ана шу қўшиқ матнини эълон қилишимизни ҳамда уни ижод этганлар билан суҳбат уюштиришимизни илтимос қилганлар. Қуйида биз улар истагини бажо келтирамиз.

— Муҳаммад ака, маълумки ҳар бир шеър шунчаки ёзилмайди. У шоир дилини ўртаётган туйғулар ҳосиласидир. Шу маънода юқоридаги шеърий туйғунинг тарихини сўзлаб берсангиз. Бу кўплаб муштарийларимизнинг истаги.

— Тўғриси, талабалик йилларимдан туркман қизларига, уларнинг кийинишларига ҳавас билан қарайман. Хоҳ ўз юртида бўлсин, хоҳ Масковда, хоҳ чет элда улар ўз миллий либосларини кийиб юришлари менга миллатга, унинг анъаналарига садоқат тимсоли бўлиб туюлади. Мен эса аёллар, қизлардаги садоқатни жуда қадрлайман. Хуллас бу шеър ўша муқаддас туйғу соҳибларига ҳурматим ифодаси.

— Шеърда «Туркман қизга уйланаман» деган сатрлар бор-а.

— Нега унақа деганимни ўзим ҳам билмайман. Агар хоҳлаганимда ҳам бунинг уддасидан чиқа олмаган бўлардим. Ахир туркман қизларига уйланиш учун 30—40 минг сўм қалин, туя ҳам бериш керак дейишади!

— Ҳазилингизни тушундим, Муҳаммад ака. Хуллас шеър қаерда ёзилган эди.

— Чинобод санаторийсида ёзгандим чоғи. Чинободда чиройли миллий кийинган уч-тўрт туркман қизининг қалдирғочдек жам бўлиб кўчага файз киритиб юрганини учратдим. Шеър шу тариқа дунёга келди.

— Рўзномамизга ўз муносабатингизни ҳам билдирсангиз. Янаги йилда уни қандай кўриш ниятидасиз!

— «Ёш ленинчи» энг севимли рўзномам. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»ни ҳам севиб мутолаа қиламан. Рўзномангиздаги дадиллик, ранг-баранглик ёқади менга. Одатда «Ёш ленинчи»ни саҳар туриб дўкондан сотиб олардим. Чунки обуна бўлсам, кўп қаватли уйда турганим сабабли пастдан барибир менгача кимдир олиб қўйган бўларди. Бу йил дўконларга кам нусхада чиқади дейишяпти. Обуна бўлмасам бўлмайди.

Суҳбатимиз сўнггида М. Юсуф муштарийларимизга ўз ниятларини изҳор этди:


Севимли "Ёш ленинчи" муштарийларига омад, унинг энг довюрак ходимларига эса эл меҳри ёр бўлсин!

М. Юсуф
08.10.90

ТУРКМАН ҚИЗ

Айланаман, Шарқни кезиб айланаман,
Иболи бир ёр тополмай ўйланаман.
Уз юртимнинг сулувлари тил уқмаса,
Узункўйлак туркман қизга уйланаман...
Қўзим тушса юзлари лов-лов ёнади,
Елкасида қирқта чаман товланади,
Кесилмаган кокиллари тўлғанади.
Узункўйлак туркман қизга уйланаман.
У элининг урфларини қилмайди хор,
Бешиги ҳеч алласига бўлмайди зор,
Қошида момоси қўйган ўсмаси бор,
Узункўйлак туркман қизга уйланаман.
У ажралиб турар турфа гул ичида,
Офтоб чиқиб офтоб ботар кулгичида,
Уз тилида гапирмайди тил учида
Узункўйлак туркман қизга уйланаман...
Бир хил либос киймиш кўрдим нечалари,
Ойбалдоғи ёниб турар кечалари,
Яшнаб кетар юрса Тошкан кўчалари,
Узункўйлак туркман қизга уйланаман.
Гўшангага кирганимда ёрга етиб,
Менга ўлан сўйлаб берар ёдлар этиб,
Боболарим руҳларини шодлар этиб,
Узункўйлак туркман қизга уйланаман!..

Сиз севган қўшиқ ижрочиси:



Охунжон
МАДАЛИЕВ

— Охунжон, қўшиқларингизни эшитган мусиқа шайдоси сиз улар матнига алоҳида эътибор беришингизни сезмасдан иложи йўқ. «Туркман қиз» шеърини Муҳаммад Юсуфнинг ўзларидан олдингизми!

— Севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуф билан бизни Балиқчи ноҳияси фирқа қўмитасининг биринчи котиби Бегижон ака Раҳмонов таништирган эдилар. Шундан буён у киши ижодига ўзгача эътибор билан қараб келаман. Негалигини билмадим-у, у киши менинг дилимдагини шеърга солганга ўхшаб туюлаверади. «Туркман қиз» шеърини «Муштум» ойномасининг март сонида ўқиб қолдим. Қўшиқ қилиш истаги уни ўқиш баробарида туғилди.

— Куй ва қўшиқ бир бирига мос тушиши доим ҳам санъаткорларга насиб этаверадиган бахт эмас. Чунки қўшиқнинг тингловчи қалбига етиши асосан шунга боғлиқ. Бу қўшиққа куйни қандай яратгансиз!

— Талай қўшиқлар ўз куйи билан яралади. Шеърни ўқиётганимдаёқ унинг куйи қандай бўлиши ҳақида ўйладим. Шеърдаги дард оҳанги қўшиқ оҳанги туғилишига кўмак берди. У мухлисларга манзур бўлганидан мамнунман.

— Муҳаммад ака билан ҳамкорликни яна давом эттириш ниятидамисиз!

— Албатта. Биз санъаткорлар халқ кўнглига манзур бўлгулик яхши шеър талабгоримиз. Муҳаммад ака билан ҳам, бошқа севимли шоирларимиз билан ҳам ижодий алоқаларимиз давом этади.

— Охунжон, рўзномамиз ҳақида қандай фикрдасиз!

— «Ёш ленинчи» ёшларимизнинг севимли рўзномаси. Менга ундаги «Мусиқа хиёбони» саҳифаси «Ёшлар ижоди» ойнасўзи остидаги материаллар кўпроқ ёқади. Ҳозир жумҳуриятимизда обуна мавсуми авж палласида эканидан хабарим бор. Агар ўринли бўлса, мен санъатни севувчи барча муштарийларга «Ёш ленинчи»ни ўқишни тавсия этган бўлардим.

Суҳбатларни Амирқул КАРИМ уюштирди.

ТАҲРИРИЯТДАН: Азиз муштарийлар «Ёш ленинчи» рўзномасига обуна давом этмоқда. Эслатиб ўтамиз: обуна баҳоси бир йилга 12 сўм, олти ойга 6 сўм, уч ойга эса 3 сўмни ташкил этади.

Нуқтаи назар

ИМТИЁЗ

Мана жумҳурият олий ва ўрта махсус ўқув юртларида янги ўқув йили бошланганига ҳам бир ойдан ошди. Не-не орзу-умидлар билан ҳужжат топширган қанча ёшларнинг орзулари ушалмади. Айримлар энди қишлоғига қайтиб, ижтимоий меҳнат билан шуғулланар. Кимлар ҳали тайёрлов бўлимларига ҳужжат топшириб бахтини яна бир синашни кўнглига тугиб қўйгандир. Улар ҳақида ўйлар эканман, ўзим гувоҳ бўлган воқеалар хаёлимда гавдаланади.

Ўшанда ҳарбий хизматдан энди қайтиб келгандим. Инсон боласи не-не чўққиларни кўзламайди дейсиз. Шу йили Тошкент Давлат дорилфунунининг тайёрлов бўлимига ҳужжат топширмоқчи эдим. Бахтга қарши қабул қилишмади. Нима учун дерсиз? Сабаби, барча гуманитар куллиётларга «афғон»ларни қабул қилишаркан. Тарих ва ҳуқуқшунослик куллиётларига «афғон» бўлмаганларнинг боришига ҳожат ҳам йўқ. Ҳужжатларни қўлига олмасдан «афғон»мисиз, дейишади. Уч-тўрт кун давомида ҳужжат топшира олмай Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тайёрлов бўлимига келдим. Бахтга қарши бу ерда ҳам тарих куллиётига фақат «афғон»лар қабул қилинар экан.

— Мисрда «хизмат қилганлар»ни қабул қилмайсизларми? — дедим киноя билан қабул комиссиясида ўтирган талаба қизга.

— Мисрда хизмат қилганмисиз? Ҳозир сўраб келаман, — деди у. Бирор фурсат ўтгандан кейин — Мисрда «хизмат қилганлар»ни қабул қилиш ҳақида қарор йўқ экан, — деди ачинганнамо. Шу пайт «афғон» бўлмаганимга минг пушаймон едим.


Афғонистонда хизмат бурчини ўтаган йигитларга ҳукуматимиз жуда кўп имтиёзлар яратиб берди. Бу жуда яхши. Лекин шу имтиёзни ҳамма жойда қўллаш ўринлимикан? Тўғри, улар жанггоҳ кўрган, минг хил азоб-уқубатлар тортган, ўлим билан юзма-юз келишгандир. Лекин олий ўқув юртларига кириш учун яратилган имтиёзлар ҳақида бироз фикр алмашсак. Юқорида айтиб ўтганимдек ҳуқуқшунослик, тарих ва бошқа куллиётларга кириб ўқиш учун уларга кенг имтиёзлар яратилган. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам шу мутахассисликка лойиқми? Балки лойиқдир. Лекин «афғон»ларнинг кўнглини ўкситмаймиз деб бошқа иқтидорли ёшларни бундан четлаштирсак қандай бўлар экан? Ахир ватанимизнинг келажаги учун «афғон»ларми ёки иқтидорли, ўз касбини севадиган ва биладиган ёшлар керакми? Ҳозир олий ўқув юртларида тайёрланаётган «сифат»сиз мутахассислар ҳақида кўплаб гапирилмоқда. Бунинг сабабини қаердан излашимиз керак? Асосий сабабларидан бири «афғон»ларга берилган имтиёзларда эмасмикан? Уларнинг барчаси ўз касбининг устаси бўлиб етишишига кафолат борми? Имтиёз орқали ўқишга кирган «афғон», имтиёз орқали сессиялардан ўтади. Агар бирор бир имтиҳондан ўтолмаса, яна унинг имтиёзи ёрдам беради. Лекин у ўқишни тамом қилиб ижтимоий меҳнат қучоғига боради-ку?! Ўша имтиёзлар орқали олий ўқув юртини битирган муҳандис яхши бинолар яратишга ким кафолат бера олади? Бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўриш керакдир?!

Мен «афғон»ларга ҳеч қанақа ёрдам кўрсатилмасин, демоқчи эмасман. Кўрсатилсин. Лекин жамиятимиз келажаги учун зарар бўлган имтиёзлар қабул қилишмасин-да. Ҳар бир нарсанинг меъёри бор. Агар меъёридан ошиб кетса яхшиликка олиб келмайди. Шу йил жумҳурият рус тили ва адабиёти институтида 23 февраль Совет Армиясининг 72 йиллиги муносабати билан «афғон»ларга 30 сўм пул мукофоти берилган. Ҳа, ҳа пул мукофоти ажратилди. Бу жуда яхши, лекин шу санага бағишланган тантанали йиғилишда яна «афғон»ларга институт касаба уюшмаси томонидан эсдалик совғалари топширилди. Бир ўртоғим, нима биз Ватан олдидаги бурчимизни ўтамадикми ёки бизни афғонга юборишса, бормасмидик, деб қолди. Ҳақ гап. Наҳотки давлат раҳбарларимиз ёшларни иккига ажратиб қўйишаётганини тушунишмаса. Ахир отаона бир фарзандига меҳрини кўпроқ берса, бошқасининг кўнгли ўксийди-ку. Ахир Ватан — Она.

Хўш, «афғон»лар берилган имтиёзлардан қандай фойдаланишяпти? Жумҳурият рус тили ва адабиёти институтининг тайёрлов бўлимида ўқиганимда гуруҳимизда 3 та «афғон» бор эди. Шулардан биттаси тайёрлов бўлимини тугатаётганда, июль ойи эди, имтиҳонга «Қизил юлдуз» ордени ва 1-2 медаль қадалган костюм кийиб келди. Нима учун, «афғон»лигини билдириш учунми? Шундоқ ҳам 9 ой давомида унинг афғонлиги ҳаммага маълум эди. Кейин билсак, ўша тақиб олган «Қизил Юлдуз»и ҳам ўзиники эмас экан. Бу ҳам майли. Чунки гуруч ичида курмаги бўлганидек бир-икки бўлади-да дерсиз. Мен ўзим «афғон» йигитларни ҳурмат қиламан (лекин яқинда бўлган воқеа мени жуда асабийлаштирди). Сурхондарёдан қайтиб келаётгандик. Поезд Термизга келиб тўхтади. Кун иссиқ. Бола-ю кексаларгача ҳамма ўзини газли сувга урди. Шунда бир йигит имтиёз қоғозини кўрсатиб навбатсиз сув ичиш учун олдинга ўтди. Тўғри, уларга навбатсиз хизмат кўрсатилиши керак, лекин одамийлик, деган ақида ҳам бор-ку. Наҳотки бизга фильмларда, китобларда, саҳналарда ижобий қаҳрамон қилиб кўрсатилаётган «афғон»лар одамийликни унутган бўлишса? Беихтиёр шундай фикрга келар экансан киши. Ҳаммага бир хил ҳукм чиқариш ярамайди. Яна «афғон»ларга берилган имтиёзлар ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрсак, мулоҳаза юритсак, ёмон бўлмасди назаримда. Сиз нима дейсиз, азиз муштарийлар.

Ж. НУРИММАТОВ.







● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

106— федерация

Энди Таэквондо халқаро федерацияси таркибида 106 та миллий федерация бор. 106-бўлиб Совет Иттифоқи унинг таркибига кирди.

6-7 октябрь кунлари пойтахтдаги «Юбилейний» Марказий спорт саройида таэквондо бўйича 1-Халқаро турнир бўлиб ўтди.

«Таэквондо». Биз бу сўзни шу пайттача аллақандай чўчиб ишлатардик. Спортнинг мазкур тури билан шуғулланиш ҳам тақиқланган эди. «Юбилейний»да таэквондочилар мусобақасини кўриб туриб, кўп нарсани йўқотганимизни англаб етдим. Айниқса, Корея Халқ Демократик жумҳурияти таэквондочиларининг кўргазмали чиқишлари залга йиғилганларда зўр таассурот қолдирди. Улар орасида қиз болалар ҳам бор эди. Уларнинг йигитлар билан тенгматенг олишувини кўриб, ҳайратланасан, киши. Бир зарбидақ ёғоч-тахталар иккига бўлинади.


Мусобақа қизиқарли, жонли ўтди. Ҳамюртларимиз ҳам бўш келишмади: Бобир Маметов 71 килограммгача бўлган вазнда ғолиб бўлди.

Муҳаммад АМИН.

СУРАТЛАРДА: таэквондочилар мусобақасидан лавҳалар.

МУАЛЛИФ суратга олган.







ТВ

11 ОКТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

● **ЎзТВ I**

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Ботаника. Ўсимликларнинг ҳужайралари. 12.00 «Карнай навоси». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 12.30 Ўзбек совет адабиёти. Ғ. Ғулом — дўстлик куйчиси. 13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Ажойиб хаёлпараст». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Қушлар байрами». Мультфильм. 18.20 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». 19.00 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Театр ва замон». 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». 23.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Махфий топшириқ». Бадиий фильм («Мосфильм»). 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **ЎзТВ II**

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Ўзбекистон» киножурнали. 19.25 «Навоийхонлик» (рус тилида). 20.05 Саргузашт фильмлар экрани. «Имконият». Бадиий фильм («Мосфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Ҳинд кинофильмларидан куй ва қўшиқлар. 23.0[illegible] «Қуллар». Телевизион бадиий фильм 2-фильм. 1-серия. (рус тилида).

● **МТ I**

7.00 «120 минут». 9.00 «Тулкилар товуқлар билан қандай дўстлашишди». Мультфильм. 9.20 «Дунё бўйлаб». Альманах. 10.20 «Эскимослар рақсга тушганда». Анадирдан кўрсатилади. 10.45 «Христофор Колумб». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 11.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.55 Коллаж. 13.00 «Вақт».

* * *

16.15 Мусиқий хазина. А. Вивальди. «Йил фасллари». Скрипка ва торли оркестр учун концерт. 17.05 «Мовий водийда гулхан олдидида». Телевизион ҳужжатли фильм (Иркутск). 17.25 Илмий хабарнома. 18.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.00 «Вақт». 19.30 «Вивескани ўзгартириш ёки НЭП?». 2-кўрсатув. 20.00 Мультфильм. 20.20 «Христофор Колумб». Тўрт серияли телевидион бадиий фильм 4-серия. 21.30 «Вақт». 22.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 22.15 Телевизион танишув. Святовслав Федоров. 23.45 «Джаз портрети». 00.55 «ТСН».

ҲОДИСА

БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

Халқаро йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳафталиги ўтган беш кун ичида жумҳуриятимиз йўлларидаги ҳодисалар бир мунча камайди. Бухоро ва Сирдарё вилоятларида эса йўлдаги кўнгилсиз ҳодисалар икки баравар қисқарди. Лекин шунга қарамай, ўтган кунлар мобайнида йўлларда фожиалар рўй берди.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси С. Саитовнинг бепарволиги ва ўзига ортиқча ишонганлиги натижасида унинг оиласи халоқ бўлди. У ўзининг «ЗАЗ-968» автомобилида кетаётиб, Тошкент вилоятининг «Ленин йўли» жамоа хўжалиги яқинидаги темир йўлдан ўтиш жойида юк ортилган электропоездга йўл бермади. Тўқнашув натижасида хотини ва тўрт фарзанди ҳалок бўлди. Саитовнинг ўзи оғир аҳволда касалхонага олиб кетилди.

М. ТАТАРНИКОВ. (ЎзТАГ).

ҚАДИМИЙ ҲУНАР ТИКЛАНМОҚДА

Балиқчи ноҳияси маданият уйининг деворлари қўлда тўқилган гиламлар билан ясатилди. Уттиз нафар қиз қадимий ҳунар сирларини эгаллаб олишди.

Ҳамма иш Балиқчи ноҳияси маданият бўлими ходимларининг ташаббуси билан бошланган эди. Бухоро вилоятидаги Шофиркон гиламчилик фабрикаси раҳбариятидан курслар ташкил этишда ёрдам беришни илтимос қилишди. Етти қиз чеварлар шаҳрига бориб, у ерда бир ой давомида сабоқ олди. Бундан ташқари улар ўзлари билан бирга иккита дастгоҳ ва ўқиш учун зарур хом ашёни олиб келишди. Қизлар ўз дугоналарини гилам тўқиш санъатига ўргата бошладилар. Қарабсизки, ўзлари ҳам мураббий бўлиб қолдилар. Ўқишдан кейин дастгоҳлар курсларни битириб чиққан қизларнинг уйига улар иш билан шуғулланишлари мумкин бўлсин учун ўрнатилади.

(ЎзТАГ).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28591.